ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 27

«_26__» август_ 2022 йил Учкўприк туман.

"AL-QODIR BUILDER" МЧЖ бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан харакат килувчи бошлик шахсидан А.Бобоев ва Учкўприк туман Ободонлантириш бошкармаси бундан буён «БУЮРТМАЧИ»деб юритулувчи амалдаги низомга асосан харакат килувчи бошлик шахсидан Д.Эргашев ушбу шартномани куйидагилар тугрисида тузадилар.

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1«ПУДРАТЧИ» ўз кучи, транспорт воситалари ва механизмлари билан «БУЮРТМАЧИ» га карашли **Учкўприк туман Катта кашкар МФЙ Пастки дашт қишлоғи ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларини** шартномага илова килинувчи сметага мувофик амалдаги техник шартларга риоя килган холда бажариш мажбуриятлари ўз зиммасига олади.

1.2 «ПУДРАТЧИ» тегишли проект-смета хужжатларига мос холда «БУЮРТМАЧИ» томонидан биноларни таъмирлаш ишларини келишилган вактда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлик тайёр холда ўз муддатида «БУЮРТМАЧИ» га топширишни ўз зиммасига олади.

1.3 «ПУДРАТЧИ» иш бажариш вактида курилиш монтаж ва таъмирлаш ишлари учун кетадиган курилиш материалига ва ишчи кучини ўз хисобидан ўзи таминлайди.

1.4 «ПУДРАТЧИ» томонидан килинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «БУЮРТМАЧИ» ўзининг мутахассислари иштирокида кабул килиб олади.

## 2.ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1.Шартноманинг умумий бахоси 679140000 (Олти юз етмиш тўққиз миллион бир юз қирқ минг ) сўмни ташкил килади. ҚҚС билан.

2.2 Шартнома бахоси ўз ичига КМИ материаллар бахоси тафовутини олади.

## 3.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 Ушбу шартнома бўйича «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» хисоб ракамига 30% аванс тўловини ўтказиб беради.

3.2 Тўлов шакли «ПУДРАТЧИ» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиклангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг хисоб ракамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.

3.3 Шартнома буйича охирги хисоб-китоб иш тўлик тамомлангандан сунг 30 кундан кечиктирмай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1 «ПУДРАТЧИ» ушбу шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишларини «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» хисоб ракамига 30% аванс тўловини ўтказиб берган кундан бошлаб 30 кун муддатда ичида бажаради.

4.2 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» томонидан бажарилган ишга бажарилган ишлар хужжатлари тўла тасдиклангандан сўнг 30 кун ичида хак тўлайди, ёки ёрдамчи «Пудратчи» нинг розилик хатига асосан «Пудратчи» дан мавжуд бўлган курилиш материаллари билан хисоб-китоб килинади.

4.3 Шартнома 2022 йил ___________________дан 2022 йил 31-декабргача амал килади.

## 5.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 «ПУДРАТЧИ».

5.1.1 Ўз кучи, техника воситаси билан лойиҳа-сметада назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «БУЮРТМАЧИ» га меёрий хужжатлар талабига ва коидалар асосида топшириш:

5.1.2 Обектга лойихага биноан булган материалларни конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш тушириш тахлаш хамда саклашни амалга ошириш:

5.1.3 Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномаги тузганини тугрисида «БУЮРТМАЧИ» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.

5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обектни курилиши буйича зарур чора тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш:

5.1.5 «ПУДРАТЧИ» (ёлланма) ташкилотлар ўзлари бажарган иш хажмлари учун ўзлари жавоб бериш мажбуриятини олади.

5.2 «БУЮРТМАЧИ»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажми «ПУДРАТЧИ» га топшириш;

5.2.2 У шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган микдорда ва муддатда «ПУДРАТЧИ» га хак тўлаш;

5.2.3 «ПУДРАТЧИ» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичида обектни кабул килиш мажбуриятларини олади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 ПУДРАТЧИ хизмат кўрсатиш муддатлари кечиктириб юборилган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда пудратчи буюртмачига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган холларда айбдор тараф бошка тарафга бой берилган фойдани кўшиб кўрган зарарни қоплайди.
6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хухукий бартараф етишдан озод этмайди.
6.4 Буюртмачи хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун (буюртмачи) ПУДРАТЧИ га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Тарафларни биронтаси хам ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларни эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин. Булмаган холатлар бундан уруш эьлон килиниши ёки амалда бошланганлиги фукоролик тартибсизлиги, вабо таркалиши, блокада, эмбарго, ер емирилиши сув тошкини ёнгинни ва бошка табиий холатлар билан боглик холда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.
7.2 Бартараф килиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этмаганлиги Ўзбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлари томонидан берилган гувохномалар унинг етарли даражасидаги тасдиги хисобланади.
7.3 Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажариш унинг тасир кўрсатиш ёки монелик қилиш тўғрисида бошка тарафга имкон кадар тез хабар бериш лозим.
7.4 Агар бартараф килиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам тасир этаётган булса ва тугаш белгилари аникланмаса ижара берувчи шартнома бекор килиши мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан пайдо булган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йули билан хал килинади.
8.2 Агар келишмовчиликлар музокара йули билан хал килиб булмаса, улар конкн хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида кўрилиши лозим булади.

## 9.ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРИТИБИ.

9.1 Ушбу шартнома хар кандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар иккала томон имзолаган холларда сўнг конуний кучга эга булади.
9.2 «БУЮРТМАЧИ» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хаклидир:
9.2.1 «ПУДРАТЧИ» нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 1 (бир) ой ун (10) кунга ошиб кетганда.
9.2.2 «ПУДРАТЧИ» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида курсатилган ишларини сифати пасайганда.
9.3 «ПУДРАТЧИ» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли;
9.3.1 «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» га боглик булмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;
9.3.2 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха хужжатларини узгартиришлар киритиш билан боглик холда ишларни бахоси 50% кунига камайганда.
9.3.3 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик курилиш молиялаш имконияти йукотилганда.
9.4 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинади. «БУЮРТМАЧИ» эса «ПУДРАТЧИ» га улар томонидан аникланган бажарилган ишлар хажми кийматини тулайди.
9.5 Шартнома бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

## 10.БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1 «ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига бажарилган ишлар тегишли далолатномлар асосида қабул қилиб олинган кундан бошлаб 1 (бир) йил муддатга кафолат беради. Ушбу бандга риоя килинмаган холларда бажарилган ишлар шартномавий кийматининг 2 (икки) баробари миқдорида жарима тўлайди.
10.2 Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси конунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.
10.3 Мазкур шартнома 2022 йил 31-декабргача амал килади

## 11. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАРҢИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

11.1. «Буюртмачи» ва «Сотувчи» ушбу шартнома бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан, ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки карорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

Пора таклиф қилмаслик; ваъда бермаслик;

Пул тўламаслик; товламачилик қилмаслик;

Бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик; пора олмаслик;

бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик; мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни олмаслик;

ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

11.2. «Буюртмачи» ва «Сотувчи» атрофдаги шахслар томонидан коррупсияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

11.3. «Буюртмачи» ва «Сотувчи» Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва (Давлат органи ёки ташкилотининг номи) ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол шартнома бўйича ўздан бошқа тарафни хабардор қилиши шарт.

12.ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ
ВА ТУЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

| « Пудратчи» | « Буюртмачи » |
|---|---|
| “AL-QODIR BUILDER” МЧЖ | Учкўприк тумани Ободонлаштириш бошкарма |
| (иш бажарувчининг номи) | ( бюджетдан маблағ олувчининг номи ) |
| Поп туман, Хужаобод СМЖ Хамкорлик | Манзил: Учкўприк ш.Шодлик кўчаси 2-уй |
| Х/р: 2020 8000 8050 9069 9001 | Тел./факс: + 998905666575 |
| Кокандское отделение Универсал | ш/х*:401722860302217065200110002 |
| Банка Код банка 00973 СТИР: 306 501186 | СТИР: 300695662 ОКЭД: 97600 |
| ОКОНХ: 61110; Код НДС: 314110128430 | Учкўприк тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси |
| | Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010 |
| Раҳбар: А.Бобоев | Банк номи:Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б. |
| | МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919 |
| ( имзо ) ( Ф.И.Ш ) | Раҳбар: ____________ Д.Эргашев |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: XP01575036

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ QU7013645567

1) Loyihaning turi:

Shartnoma

2) Loyihaning nomi:

Pudrat shartnomasi

3) Loyihada ko'rsatilgan bandlar:

Uchko'prik tuman obodonlashtirish boshqarmasi rahbari D.Ergashev "Buyurtmachi" bilan "AL-QODIR BUILDER" MCHJ Рахбар **A.Boboyev** "Pudratchi" o'rtasida tuzilgan shartnomaga ko'ra «Pudratchi» Uchko'prik tuman Katta qashqar MFY Pastki dasht qishlog'i aholisini toza ichimlik suvi bilan ta'minlash ishlarini shartnomaga ilova qilinuvchi loyiha smetaga muvofiq amalga oshiradi. «Buyurtmachi» esa to'lovni belgilangan tartibda amalga oshiradi.

**II. ШАРТНОМА НАРХИ**

Shartnoma umumiy bahosi: 679140000 (olti yuz yetmish to'qqiz million bir yuz qirq ming) so'm, QQS bilan.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Uchko'prik tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan kelishuv loyihasi ishlab chiqilgan va Uchko'prik tuman adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yilning 24-avgust kuni «E-Huquqshunos» elektron tizimi orqali "Pudrat shartnomasi" loyihasini amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiqligini o'rganib huquqiy xulosa berish uchun kelib tushgan. O'rganish natijasiga ko'ra, quyidagilar aniqlandi.

4. **Shartnoma loyihasining qonunchilik hujjatlari asosida o'rganish.**

O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuniga, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuniga, O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qaroriga, Vazirlar Mahkamasining "Davlat buyurtmachilari tomonidan tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) davlat xaridlarida uzluksizlikni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qaroriga va boshqa Qonunchilik hujjatlari asosida o'rganildi.

Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunning 30-moddasiga asosan, Xarid qilish tartib-taomillarini amalga oshirish turlari quyidagilardan iborat:

elektron do'kon;

boshlang'ich narxni pasaytirish uchun o'tkaziladigan auksion;

eng yaxshi takliflarni tanlash;

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: XP01575036

tender;

to‘g‘ridan to‘g‘ri shartnomalar bo‘yicha amalga oshiriladigan davlat xaridlari;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari bilan ruxsat etilgan xaridlarning boshqa raqobatli turlari.

Xarid qilish tartib-taomillari elektron shaklda amalga oshirilishi mumkin.

eng yaxshi takliflarni tanlash bo‘yicha o‘tkazilgan tanlovga ko‘ra (lot raqami 137431 https://etender.uzex.uz/deals-list) “AL-QODIR BUILDER” MCHJ g‘olib deb topilgan.

Taraflarning javobgarlik masalasi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunining 25-32-moddalariga hamda fuqarolik kodeksiga mos ravishda ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, o‘rganish natijalariga ko‘ra:

XULOSA QILAMAN:

Uchko‘prik Obodonlashtirish boshqarmasining «Pudrat shartnomasi» loyihasi amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq hisoblanadi.

**Uchko‘prik tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **E.Qalandarov**

26.08.2022-yil

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 137431 на приобретение Пастки дашт кишлогини ичимлик суви билан таъминлаш

Способ проведения электронный

Дата 23.08.2022

Время рассмотрения 23.08.2022 12:42

Конкурсная комиссия Учкуприк тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ERGASHEV DILSHOD YUSUPOVICH | комиссия раиси | Учкуприк тумани Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | TO'XTASINOVA ZUXRAXON XABIBULLAYEVNA | комиссия аъзоси | Учкуприк тумани Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | ERGASHEV DAVLATJON JO'RAQO'ZIYEVICH | комиссия аъзоси | Учкуприк тумани Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | QODIROV YUSUFJON YUNUSOVICH | комиссия аъзоси | Учкуприк тумани Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | TOSHMATOV RASHIDJON ASTANAKULOVICH | комиссия аъзоси | Учкуприк туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | NAZAROV MUXAMADJON MUXTOROVICH | комиссия аъзоси | Учкуприк туман Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.08.2022 года № лота 137431.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по холодному водоснабжению** |
| Подробное описание | Пастки дашт кишлогини ичимлик суви билан таъминлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 686 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 686 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишларни уз вактида сифатли килиб бажариб топширилиши тугрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: зарур

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП GIDRO SUV TA'MINOT | 10 | 619000000 | 7 | Экспертная | | |
| ООО AGRO LEAF FARM | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| AL XABIR QURUVCHI МЧЖ | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| КЕНАГАС МУКАММАЛ КУРИЛИШ Х.К | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ юкланди, оёрта билан бирга | 9 | Экспертная | | |
| "AL-QODIR BUILDER" MCHJ | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ юкланди | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Корхонанинг захирасида хизматларни амалга ошириш учун махсулотлар тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: зарур

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП GIDRO SUV TA'MINOT | 10 | 619000000 | 10 | Экспертная | | |
| ООО AGRO LEAF FARM | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| AL XABIR QURUVCHI МЧЖ | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| КЕНАГАС МУКАММАЛ КУРИЛИШ Х.К | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ юкланмоқда(корхона захирасидаги товарлар хамда машина механизмлар) | 7 | Экспертная | | |
| "AL-QODIR BUILDER" MCHJ | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ юкланмоқда | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ташкилот низоми ва гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: зарур

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП GIDRO SUV TA'MINOT | 10 | 619000000 | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО AGRO LEAF FARM | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| AL XABIR QURUVCHI МЧЖ | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| КЕНАГАС МУКАММАЛ КУРИЛИШ Х.К | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ ва мукаммал юкланди | 9 | Экспертная | | |
| "AL-QODIR BUILDER" MCHJ | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ ва мукаммал юкланди | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжут эмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: зарур

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП GIDRO SUV TA'MINOT | 10 | 619000000 | 7 | Экспертная | | |
| ООО AGRO LEAF FARM | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| AL XABIR QURUVCHI МЧЖ | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| КЕНАГАС МУКАММАЛ КУРИЛИШ Х.К | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ юкланмоқда | 8 | Экспертная | | |
| "AL-QODIR BUILDER" MCHJ | 10 | сўралган хужжатлар тўлиқ юкланмоқда(маълумотнома) | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО AGRO LEAF FARM | 686 000 000.00 | 685 000 000.00 UZS | 685 000 000.00 | 00.00 | 685 000 000.00 | 22.08.2022 13:01:55 | 18.07 |
| AL XABIR QURUVCHI МЧЖ | 686 000 000.00 | 636 000 000.00 UZS | 636 000 000.00 | 00.00 | 636 000 000.00 | 22.08.2022 13:42:12 | 19.47 |
| "AL-QODIR BUILDER" MCHJ | 686 000 000.00 | 679 140 000.00 UZS | 679 140 000.00 | 00.00 | 679 140 000.00 | 22.08.2022 14:09:31 | 18.23 |
| ЧП GIDRO SUV TA'MINOT | 686 000 000.00 | 619 000 000.00 UZS | 619 000 000.00 | 00.00 | 619 000 000.00 | 22.08.2022 09:45:51 | 20.00 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| КЕНАГАС МУКАММАЛ КУРИЛИШ Х.К | 686 000 000.00 | 665 420 000.00 UZS | 665 420 000.00 | 00.00 | 665 420 000.00 | 22.08.2022 13:52:41 | 18.60 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| ООО AGRO LEAF FARM | 40 | 18.07 | 58.07 |
| AL XABIR QURUVCHI МЧЖ | 62 | 19.47 | 81.47 |
| "AL-QODIR BUILDER" MCHJ | 80 | 18.23 | 98.23 |
| ЧП GIDRO SUV TA'MINOT | 68 | 20 | 88 |
| КЕНАГАС МУКАММАЛ КУРИЛИШ Х.К | 66 | 18.6 | 84.6 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 137431 от 23.08.2022 года на приобретение Пастки дашт кишлогини ичимлик суви билан таъминлаш определила победителем:

"AL-QODIR BUILDER" MCHJ
306501186

и резервный исполнитель: ЧП GIDRO SUV TA'MINOT (305630462)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| Председатель комиссии | ERGASHEV DILSHOD YUSUPOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | ERGASHEV DAVLATJON JO'RAQO'ZIYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | QODIROV YUSUFJON YUNUSOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | TOSHMATOV RASHIDJON ASTANAKULOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | NAZAROV MUXAMADJON MUXTOROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

«26»08 2022 йил №  сон 11  Учкўприк тумани

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**

Учкўприк тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Д.Эргашев

Учкўприк тумани Катта қашқар МФЙ Пастки дашт қишлоқ ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларини очиқ бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш (Ичимлик суви билан таъминлаш) учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида

***Раислик қилувчи:*** комиссия раиси: Д.Эргашев

Қатнашдилар:

1. М.Назаров
2. Ю.Қодиров
3. Д.Эргашев
4. З.Тўхтасинова

**Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:**

Учкўприк тумани Катта қашқар МФЙ Пастки дашт қишлоқ ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларини очиқ бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш (Ичимлик суви билан таъминлаш) учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Учкўприк тумани Юлғинзор МФЙ ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларини очиқ бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш (Ичимлик суви билан таъминлаш) учун ўтказилган электрон элонга раислик қилувчи Д.Эргашев сўзга чиқиб, ушбу элон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва хаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек,

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор такидлаб ўтди. Мухокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан хеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган холда йиғилиш хайати:

**Қарор қилади.**

1. Мухокама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан этирозлар хеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб "AL-QODIR BUILDER" МЧЖни йиғилиш хайати ғолиб деб элон қилсин.

2. Ғолиб деб топилган қатнашчи " AL-QODIR BUILDER " МЧЖ билан қонунчиликда белгиланган тартиба шартномаларни расмилаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Комиссия раиси: Д.Эргашев

Котиб: З.Тўхтасинова

Комиссия азолари: Ю.Кодиров

Д.Эргашев

М.Назаров

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Фарғона вилояти

150115 Farg'ona shahri, Al-Farg'oniy 36-uy tel 73)-244-68-81 244-68-82 mail: fergexp@rambler.ru
www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: MADMAROV KUDRAT YAXIYADJANOVICH
Sana:11-08-2022 yil

**Yig'ma ekspert xulosasi № 56140**

**Obyekt nomi** «Farg'ona viloyati, Uchko'prik tuman Katta Qashqar MFY aholisini toza ichimlik suvi bilan ta'minlash.»

**Buyurtmachi -** "ASR ARCHITECT PROJEKT" MCHJ
**Bosh loyihachi** - "ASR ARCHITECT PROJEKT" MCHJ
**Litsenziya** 24.02.2022y № AL-001969 ;18-11-2019y № АЛ-000342
**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablag'lari
**Bosh pudratchi -** Tender savdolari asosida (agar qaror qabul qiluvchi organ tomonidan belgilangan bo'lsa)
**Qurilish turi** Qurilish.
**Murojaat raqami:** № 53310

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1.Xalq deputatlari Uchko'prik tumani kengashining 2022 йил 11-aprel kungi VI-55-73-11-162-K/22 son va Uchko'prik tumani hokimining 2022-yil 8-iyun kungi 164-11-162-Q/22-son qarori

1.2. . Arxitektura va Qurilish boshqarmasi tomonidan 14.07.2022 yilda berilgan 1730-1730221-46245-sonli arxitektura va rejalashtirish topshirig'i.

1.3. Farg'ona viloyat, qurilish bosh boshqarmasi Uchko'prik bo'limi boshlig'i J.Madaminov, kelishilgan Uchko'prik tumani hokimi o'rinbosari H.Ummatov tomonidan tasdiqlangan loyiha topshirig'i.

1.4. Muhandislik tarmoqlariga ulanishning texnik shartlari, muhandislik tarmoqlarini nazorat qiluvchi va foydalanuvchi manfaatdor tashkilotlar bilan kelishilgan.

1.5.Farg'ona gidrogeologiya stansiyasi GIDROGEOLOGIK XULOSA 2022y

1.6. " Fergana Geo Plan" MCHJ tomonidan 2022 yilda berilgan obyektning muxandislik-geologiya xulosasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Loyiha tarkibiga ko'ra elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyiha smeta hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

3.1. Qurilishda ko'zda tutilgan ishlar, konstruktiv yechimlar batafsil tushuntirish yozuvi, loyiha topshirig'i, nuqson dalolatnomasi va taqdim etilgan loyihalarda batafsil ko'rsatilgan.

Bosh rejasi. Bosh loyixa «ASR ARCHITECT PROJEKT» MCHJ tomonidan 2022-yil M1:500 masshtabda topografik xarita asosida ishlab chiqilgan. Bosh rejaniishlab chiqishda atrofdagi mavjud ob'yektlar xam xisobga olingan.

Qurilish uchun ajratilgan maydon Uchko'prik tumani Kattaqashqar MFY Pastki DashT qishlog'i MFY da joylashgan.

*Obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish.*

Yo'l va yo'laklar asfalt beton qoplamalari tiklanadi. Yo'laklar o'qlari beton bordyurlar bilan. Loyihada hududni ko'kalamzorlashtirish ishlarida dekorativ o'simliklar, mevali daraxtlar va gullardan, o'tli to'shamalar qaytadan tiklanadi.Loyihada suv tarqatish inshooti atrofini yevro beton to'siqlar yordamida o'rash ko'zda tutilgan. Metall konstruksiyalari 2 marta bo'yalishi kerak. Yevro beton to'siqlar ustiga 5 qator yegoza yoki tikanli sim tortilishi kerak.

*Asosiy texnologik yechimlar.*

Loyihaning ushbu qismida Farg'ona viloyati, Uchko'prik tumani Kattaqashqar MFY Pastki Dasht qishlog'i xududiga 1 ta ichimlik suvi qudug'ini yangi qurish, 1 ta suv 25 $m^3$ suv minorasi o'rnatish, 1 ta transformator punktini o'rnatish, atrofini yevrosetka bilan o'rash ko'zda tutilgan.

*Elektr ta'minoti sxemasi.*

2022-yil 4-iyul sanasida berilgan texnik shart №1545-8. Texnik shartga muvofiq, loyihalashtirilgan inshootni elektr ta'minoti mavjud 35/10 kVli "Qaqir" P/S, 10kVli Ultarma uzatmasidan amalga oshiriladi. Loyiha 10/0.4 kV quvvatga ega KTPs- 40 kVA tipidagi transformator podstansiyasini o'rnatishni nazarda tutadi.

-10 kV elektr uzatish liniyasi SV110-3,5 tayanchlari asosida loyixalangan tayanchlar bo'ylab AC-35 simlari bilan amalga oshiriladi. RLND-10 ajratgichlarini so'nggi tayanchlarga o'rnatish rejalashtirilgan. Elektr ta'minotining ishonchliligi darajasiga ko'ra obyektning III-toifasiga kiradi.

*Tashqi elektr tarmoqlari.*

-10 kV elektr uzatish liniyasi SV110-3,5 tayanchlarda AC-35 simlari bilan amalga oshiriladi. 0,4 kV kabelni yotqizish 0,7 m chuqurlikdagi xandaqda qum qatlami bilan va uning butun uzunligi bo'ylab g'isht himoyasi bilan amalga oshiriladi va kabel liniyasini muhandislik inshootlari va yo'llar bilan kesib o'tishda asbest-sement quvurlarida kabel yotqiziladi. Kabelning kesimi hisoblangan oqim kuchiga qarab tanlangan, kuchlanish yo'qolishi va bir fazali qisqa tutashuv holatiga qarab tekshirilgan.

*Qisqa tutashuv toklarni hisoblash.* Releli himoya qilish. Qisqa tutashgan toklarni hisoblash, yuqori kuchlanishli uskunalarni tanlash va rele himoyasini hisoblash uchun zarur bo'lgan miqdorda PES ma'lumotlariga muvofiq amalga oshirildi. Tungi yoritgichi 100 Vt quvvatga ega OROZ tipidagi LED lampalar tomonidan amalga oshiriladi, ular SV95 markasining loyihalashtirilgan temir-beton ustunlariga o'rnatiladi va SIP3 markasiga tegishli bo'lib, uning kesimi 3x10$mm^2$. Tungi yoritish nazorat punktidan, AP50b avtomatdan, shuningdek MN-602 rusumidagi foto rele yordamida boshqariladi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Vazirlar Mahkamasining 2006 yil 29-97-son qaroriga binoan elektr uzatish liniyasini yotqizish paytida buzilgan sug'orish tizimi, drenaj moslamalari, obodonlashtirish majmualari va boshqalar Vazirlar Mahkamasining qarori bilan tasdiqlangan qo'shimchaga muvofiq, agar kerak bo'lsa, kompensatsiya bilan to'lab, dastlabki holatiga keltiriladi.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

4.1. Muxandislik tizimlari loyiha topshirig'iga muvofiq jixozlangan. (Elektron taqdim etilgan albomlarda batafsil ko'rsatilgan).

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

5.1. Davlat ekologiya ekspertizasining 25.07.2022 yildagi 913 -sonli xulosasi.

**6. Ekspertiza natijaiari.**

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxasislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

6.2. Ishchi loyiha ekspertiza ko'rigiga buyurtmachining texnologik, ichki muxandislik, energiya tejamkorlik va boshqa yechimlari izoxlarsiz taqdim etilgan.

6.3. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izoxlariga muvofiq kiritilgan kamchiliklar va tuzatishlar loyihachi tomonidan ko'rib chiqildi va tuzatildi. (Biriktirilgan lokal ekspertiza xulosalaridagi faylda batafsil ko'rsatib o'tilgan).

6.4. Obyektning materiallar qiymati Farg'ona viloyat xokimiyati tomonidan tasdiqlangan narxlar bayonnomasiga asoslangan ko'rib chiqildi.

6.5. Buyurtmachi jami xarajati, ish xaqqi 12366,57 so'm/chelchas (ijtimoyi sug'urta siz) va pudratchining boshqa xarajatlari 17.00% buyurtmachi xatiga asosan qabul qilindi.

Buyurtmachi tomonidan quyidagi obyekt jami bo'lib 764 788. 457 ming so'm taqdim etilgan.

Tekshiruv natijasiga ko'ra quydagi ko'rsatgichlar tavsiya etiladi:

| | |
|---|---|
| Qurilish qiymati QQS siz | - 612 847,002 ming so'm |
| QQS 15% | - 91 927,050 ming so'm |
| Qurilish qiymati QQS bilan | - 704 774,052 ming so'm |
| Buyurtmachining xarajatlari | - 29 246 ,683 ming so'm |
| Jami obyekt qiymati QQS va | |
| buyurtmachi xarajatlari bilan | - 734 020 ,736 ming so'm |
| Iqtisod qilingan mablag' | - 30 767, 721 ming so'm |

Kamayish qurilish mashinalarini va mexanizm va ba'zi materiallar qiymati sozlash xisobiga amalga oshirildi.

6.5. Jixozlar qiymati buyurtmachi kompetensiyasiga kiradi

6.6. Import qilingan uskunalar va materiallarning narxi ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmagan.

6.7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2021-yil 17-sentabrdagi №579-sonli qarori 1-ilova, III bob, 29- bandiga asosan ekspert tashkilotiga taqdim etilgan shaharsozlik xujjatlarining sifati, dastlabki ma'lumotlarning xakkoniyligi va qabul qilingan loyixa yechimlariga buyurtmachi va loyixa tashkiloti javobgardir.

**7. Xulosalar.**

7.1. Farg'ona viloyati, Uchko'prik tuman Katta Qashqar MFY axolisini toza ichimlik suvi bilan ta'minlash loyixa-smeta hujjatlari ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqib, tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun obyektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.3. Ko'rsatilgan narxni tanlov savdolari uchun qabul qilish to'g'risida buyurtmachi qaror qabul qiladi.

**Bosh mutaxassis:** TASHTEMIROVA SHOXISTA MAXAMATJONOVNA

«ASR ARCHITECT PROJEKT»
МЧЖ

# Рабочий проект

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани Каттақашқар МФЙ Пастки даш қишлоғи ичимлик суви таъминоти билан таъминлаш.

**Книга №1**

УМУМИЙ ТУШУНТИРИШ ХАТИ.

Директор ООО
«ASR ARCHITECT PROJEKT» С. Эрматов

ГИП: Ш.Уринбоев

Фергана 2022 г.

Ишчи лойиха таркиби:

# Фарғона вилояти, Учкўприк тумани Каттақашқар МФЙ Пастки даш қишлоғи ичимлик суви таъминоти билан таъминлаш .

**I-Альбом** Ичимлике суви қудуғи ққавлаш ва жихозлаш
**2-Альбом** Электр таъминоти чизмалари
**3-Альбом** 25 м3 сув минораси чизмалари

**1-Китоб** – Умумий тушунтириш хати. Техник шартлар.
**2-Китоб** - Бош режа.
**3-Китоб** – Смета хужжатлари.

**Муаллифлар жамоаси таркиби.**

**ЛБМ (лойиха бош мухандиси)** **Уринбоев Ш.**

**Мухандислар:**

**Лойихачи мухандис:** **Уринбоев Ш.**

**Сметачи мухандис:** **Номонов К.**

**Умумий тушунтириш хати.**
**Лойихалаш учун асос бўлган хужжатлар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11-апрельдаги "бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли қарори, Ҳалқ Депутатлари Uchko‘prik тумани Кегашининг 2022 йил 20-апрел кунги VI-55-73-11-162-K/22 сонли қарори ва Uchko‘prik тумани хокимининг 2022 йил 8 - июл 164-11-162-Q/22- сон қарори

**Фарғона вилояти, Учкўприк тумани Каттақашқар МФЙ Пастки даш қишлоғи МФЙ сининг Бош режаси.**

Бош лойиха «ASR ARCHITECT PROJEKT» MCHJ томонидан 2022 йил М1:500 масштабда топографик харита асосида ишлаб чиқилган. Бош режани ишлаб чиқишда атрофдаги мавжуд объектлар хам хисобга олинган.
Қурилиш учун ажратилган майдон Учкўприк тумани Каттақашқар МФЙ Пастки даш қишлоғи МФЙ да жойлашган.

**Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш.**

Йўл ва йўлаклар асфальт бетон қопламалари тикланади. Йўлаклар кирғоқлари бетон бордюрлар билан. Лойихада худудни кўкалазорлаштириш ишларида декоратив ўсимликлар, мевали дарахтлар ва гуллардан, ўтли тўшамалар қайтадан тикланади.Лойихада сув таркатиш иншоати атрофини евро бетон тўсиқлар ёрдамида ураш кўзда тутилган. Металл конструкциялари 2 марта бўялиши керак. Евро бетон тўсиқлар устига 5 қатор егоза ёки тиканли сим тортилиши керак.

**Асосий технологик ечимлар.**

Лойиҳанинг ушбу қисмида Фарғона вилояти, Учкўприк тумани Каттақашқар МФЙ Пастки даш қишлоғи худудига 1 та ичимлик суви қудуини янги қуриш, 1 та сув 25 м3 сув минораси ўрнатиш, 1 та ТП ўрнатиш режалаштирилган. Атрофини евросетка билан ўраш кўзда тутилган.

**Зилзила ва коррозияга қарши чоралар.**

- қудуқларнинг деворлари ва тагликлари ташқи юзаси қайноқ битум бўёқ билан икки мартотаба суртиш, гидроизолация қилиш;
- қудуқдаги пўлат арматура полимер ёпишқоқ ленталар билан ташқи юзасини мустаҳкам сув ўтказмайдиган қилиб ўрнатиш.

Қазиш ишларини бошлашдан олдин манфаатдор ташкилотлар билан сув таъминоти тармоқларини бошқа коммуникациялар билан кесишиши тўғрисида келишиб олиш ва барча муҳандислик хизматлари вакиллари иштирокида қазиш ишларини бажариш керак. Сув таъминоти тармоқларини қуриш бўйича монтаж ишлари КМК2.04.02-97 га мувофиқ амалга оширилади.

**Сув таъминоти тармоқларининг ишлаши учун асосий қоидалар.**

Лойиҳалаштирилган сув таъминоти тармоқларини ишлатишда қуйидагиларга амал қилиш керак:

1. Сув таъминоти тизимини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва аҳоли пунктларини дренажлаш.
2. Режалаштирилган профилактика хизмати тўғрисидаги қоидалар (ППР) сув таъминоти ва канализация иншоотлари.
3. Ҳар бир иш жойи бўйича иш таърифлари.

Қувурнинг ишлаш ҳолатини таъминлаш учун қуйидагилар зарур:

1. Режалаштирилган профилактик таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш ва капитал ва фавқулодда таъмирлаш.
2. Қувурларини ўз вақтида синовдан ўтказиш, уларни тозалаш.

## Техника хавфсизлиги ва мехнат хавфсизлиги.

Ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси маъмурият томонидан зарур шахсий ҳимоя воситалари (комбинезонлар, пойабзал ва бошқалар) чиқарилиши билан таъминланиши керак. амалдаги стандартларга ва ишнинг хусусиятларига мувофиқ ишчиларни (тўсиқлар, ёритиш, ҳимоя ва ҳимоя воситалари ва мосламалари ва бошқалар), санитария иншоотлари ва қурилмаларини жамоавий ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш. Иш жойлари зарур тўсиқлар, ҳимоя воситалари ва мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Ишга даъвогарлар тегишли кўрсатмалардан ўтгандан кейингина ишга қабул қилиниши мумкин.

Хандаклар, омборлар ва қурилиш майдончасидаги барча иш жойлари орқали ўтиш жойлари кечаси ёритилиши керак. Қурилиш машиналари уларни ағдарилишига ёки ўз-ўзидан силжишига тўсқинлик қиладиган ҳолатда ўрнатилиши ва маҳкамланиши керак. Материаллар ва жиҳозларни қазиш (хандақ) четидан 1,0 м дан кам масофада жойлаштириш тақиқланади.

Мавжуд электр узатиш линиялари симлари остида экскаваторлар, тиргак кранлари, юк кўтарувчиларга электр тармоғидан энг яқин симлари орасидаги масофа камида 1,5 м бўлиши шарт. Ўрнатиш учун мўлжалланган тайёр темир-бетон конструкциялар мос келадиган тарзда ёткизилиши керак. Катта ўлчамдаги ва оғир иншоотларни ёки жиҳозларни кўтаришга фақат иш юритувчи (прораб) ёки уста бевосита раҳбарлиги остида йўл қўйилади.

## Учкўприк тумани Каттақашқар МФЙ Пастки даш қишлоғи МФЙ даги артезиан қудуғининг ташқи электр таъминоти.

## Электр таъминоти схемаси.

2022 йил 04 июл санасида берилган Техник шарт №1545-8. Техник шартга мувофиқ, лойиҳалаштирилган иншоатини электр таъминоти мавжуд 35/10 кВли қувватли "Қақир" п/ст-си 10кВли Ултарма узатмасидан амалга оширилади. Лойиҳа 10/0.4 кВ қувватга эга КТПс- 40 кВА типидаги трансформатор подстанциясини ўрнатишни назарда тутади.

-10 кВ электр узатиш линияси СВ110-3,5 таянчлари асосида лойихаланган таянчлар бўйлаб АС-35 симлари билан амалга оширилади. РЛНД-10 ажратгичларини сўнгги таянчларга ўрнатиш режалаштирилган. Электр таъминотининг ишончлилиги даражасига кўра объектнинг III-тоифасига киради.

## Ташқи электр тармоқлари.

-10 кВ электр узатиш линияси СВ110-3,5 таянчларда АС-350 симлари билан амалга оширилади. 0,4 кВ кабелни ётқизиш 0,7 м чуқурликдаги хандақда қум қатлами билан ва унинг бутун узунлиги бўйлаб ғишт ҳимояси билан амалга оширилади ва кабел линиясини муҳандислик иншоотлари ва йўллар билан кесиб ўтишда асбест-цемент қувурларида кабел ётқизилади. Кабелнинг кесими ҳисобланган оқим кучига қараб танланган, кучланиш йўқолиши ва бир фазали қисқа туташув ҳолатига қараб текширилган.

**Қисқа туташган токларни ҳисоблаш. Релели ҳимоя қилиш.**

Қисқа туташган токларни ҳисоблаш, юқори кучланишли ускуналарни танлаш ва реле ҳимоясини ҳисоблаш учун зарур бўлган миқдорда ПЭС маълумотларига мувофиқ амалга оширилди. Тунги ёритгичи 100 Вт қувватга эга ОРОЗ типидаги ЛЭД лампалар томонидан амалга оширилади, улар СВ95 маркасининг лойиҳалаштирилган темир-бетон устунларига ўрнатилади ва СИП3 маркасига тегишли бўлиб, унинг кесими 3х10мм². Тунги ёритиш назорат пунктидан, АП50б автоматдан, шунингдек МН-602 русумидаги фото реле ёрдамида бошқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29-майдаги 97-сон қарорига биноан электр узатиш линиясини ётқизиш пайтида бузилган суғориш тизими, дренаж мосламалари, ободонлаштириш мажмуалари ва бошқалар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган қўшимчага мувофиқ, агар керак бўлса, компенсация билан тўлаб, дастлабки ҳолатига келтирилади.

**Лойихаланаётган объектни атроф мухитга таъсири.**

Лойиҳаланаётган: «Фарғона вилояти **Учкўприк тумани Каттақашқар МФЙ Пастки дашт** қишлоги худудида ичимлик сув тизимларини қуриш» объекти атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайди. Сув таъминоти тармоғидаги сув қудуқлари қаттиқ беркилган бўлиши шарти билан ва етарли бўлган қопламали битум изоляцияси ва зилзилага қарши ҳимоя билан амалга ошириладиган ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган объектлар тоифасига киради.

**«ASR ARCHITECT PROJEKT » МЧЖ** **С. Эрматов**

**“Тасдиклайман”**

“Фарғона сув таьминоти”МЧЖ

Учкуприк туман булими рахбари

О.Шукуров

“___” ___________ 2022 йил

## Нуксон далолатнома

Бизлар куйда имзо чекиб далолатнома тузувчилар “Фарғона сув таьминоти”МЧЖ Учкуприк тумани бош мухандиси М.Эркаев Учкуприк тумани энергетиги А. Мадрахимов, ИЧБ мухандиси Ж. Абдулхамидов. Каттакашкар МФЙ Пасткидашт қишлогида 2022 йил «Ташаббусли бюджет» дастури асосида худудда яшовчи ахолининг тоза ичимлик суви таьминотини яхшилаш учун қуйдаги ишлар амалга оширилиши зарур деб хисоблаймиз.

| Пасткидашт қишлоғи | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Бажариладигон ишлар тури** | **Ўлчов бирлиги** | **Сони** | **Маркаси** | **Изох** |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| 1 | Ичимлик сув қудуғи қазиш | Дона | 1 | Д-219 мм | |
| 2 | Сув минораси ўрнатиш | дона | 1 | 20 м3 сиғимли | |
| 3 | Сув насоси ўрнатиш | дона | 1 | ЭЦВ 8-40-150 | |
| 4 | ТП ўрнатиш | дона | 1 | 40 кв | |
| 5 | Сув кўтариш турбаси | метр | 90 | | |
| 6 | ВПП кабел | метр | 360 | ВПП-16 | |

Юкоридегиларни тўғри деб имзо чекувчилар

“Фарғона сув таьминоти”МЧЖ
Учкуприк тумани булими мухандиси. М.Эркаев

“Фарғона сув таьминоти”МЧЖ
Учкуприк тумани булими энергетиги. А. Мадрахимов

“Фарғона сув таьминоти”МЧЖ
Учкуприк тумани булими ИЧБ мутахаси Ж. Абдулхамидов